

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ
1.000.000
ТОННАДАН ОШДИ

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАСИ
100.000
ТОННАГА ЕТДИ

ИЛГОРЛАРГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1971 йил сентябрийнинг иккинчи ўн кунлигидаги якунларини қараб чиқиб, ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўмақида Қизил байроғи Қашқадарь областида қолдирилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўмақида Қизил байроғи Тошкент областида (област партия комитетининг секретари М. М. Мусахонов, област ижроия комитетининг раиси С. А. Асоев, област қишлоқ хўжалиқ божармасининг бошлиғи Т. Ортинхўжаев, совхозлар трестининг директори Б. А. Аракелиш, пахта тайёрлаш трестининг бошқаруви-чи Т. Отаматов, «Узсельхозтехника» област бirlашмасининг раиси С. Д. Киселев, област комсомол комитетининг секретари А. Ғ. Исҳоқов) берилсин. Бу област пахта тайёрлаш планини 25,74 процент, шу жумладан, машина терими планини 21,57 процент, дефолиация планини 207,3 процент бажарди ва сентябрийнинг иккинчи ўн кунлигида планининг 22,67 проценти миқдорда пахта тайёрланди. Шу жумладан, машина терими плани 20,99 процент бажарилишини таъминлади. Байроқ Сурхондарь областидан олиб берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўмақида Қизил байроғи Сирдарё областидаги Ўзқашқадарь районида берилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўмақида Қизил байроғи Қашқадарь областининг Китоб районида қолдирилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўмақида Қизил байроғи Қашқадарь областининг Китоб районида қолдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР саноат ҳодимлари КПСС XXIV съездида тарихий қарорларни бажариб, Ҳуқуқ Оқтибурнинг 54 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, мах

сулот реализация қилиш ва бўйларини қўйишга энг муҳим турларини ишлаб чиқариш тўғрисида олий планни муддатдан олдин—20 сентябрда бажарди-лар.

(ҒАТАҒ).

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 185 (4391). | 22 сентябрь, 1971 йил, | ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ЖАСОРАТ КЎРСАТ, ПАХТАКОР УРТОҚ

Боғу-бўстон ўлкамиз — пойтахт областимиз азамат пахтакорлари, лафзи ҳалол, аҳди-ға ёр, бағри кенг марду-майдоилари, сизларнинг азиз ва муътабар номингиз ҳамisha тилимизда, ҳамisha дилимизда. Сиз билан фахрланмаган, чин юракдан ифтихор этмаган ким бор?! Сиз шонларнинг дostonидасиз, ҳофизларнинг қўшиғидасиз, бастакорнинг янроқ созларидасиз.

Ахир, қузу-қийинчи аччиқ изғиринларига бардош бериб, саҳий она-ер кўксини ийлаган сизсиз. Саратон офтоби тинида туриб, ҳар тул ғузани кўз қорасиди асраган сизсиз. Тулларни бедор ўтказиб, об-ҳаёт етаклаган сувчилар, «пўлат от»лар жilовини бардам тутган азаматларсиз.

«Оқ олтин»дан осмонлар тоғ яратаётганлар, олижаноб ҳиммат билан, ғайрат-шижоат билан, пўлат иродаю, метин матонат билан диёр бўйлаб доғ таратаётганлар, бугун мардлар майдонидасиз. Эл-юрт олдида, жонажон Ватан олдида катта синов имтиҳондасиз. Тошкентлик пахтакор деган шон-шухратингизга шухрат, доғруғингизга доғруғ қўшадиган долзарб кезлардир бугун. Тошкентлик дала гвардиячилари, «зангори кема» усталари деган шарафли номга, муқаддас номга гард юқтирмайдиган терим палласи бугун.

Улуғ беш йилликнинг тўнғич йили улкан карвони музаффар тоғ йўлидан зафар манзил томон шаҳдам бормасда. Бу карвон—серкўёш диёримизнинг «оқ олтин» карвони, «оқ олтин» карвони демак—тинчлик карвони, битмас-туганмас бойлик, тўқ, фаровон ҳаёт карвони йўлда!

Тошкентлик пахтакор! Шу зафар карвони билан елкама-елка, сафма-саф бардам одим ташлаб илк ғалабага ёр бўлингиз. Бугун астойдил бел боғлаб қурашга, хирмонга тобора барака киритишга ундайдиган, юрагингизга ҳарорат бағишлайдиган, илҳомбахш байроқ қўлингиздадир. Бу хушхабар дилларга қувонч, қалбларга сурур бахш этди. Қизил байроқ сизни диёримизнинг улкан карвонига ҳамisha бош бўлишга чорлайди, пахтазор воқидларда янада ғайрат-шижоат, мисли қўрилмаган жасорат кўрсатишга чорлайди.

Пахта ишқи билан ёнган азиз она-сингиллар, пўлат отлар жilовини мардона тутган пахлавон суворийлар—ёшу қари барча асл миришкорлар! Қўлингизда ҳиллираган бу байроқ ҳамisha сизга ёр бўлсин! Ватанга бўла-жак армуғонингиз 400 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тобора кўкка бўй қўзиб тоғдек юксалсин.

Тошкентлик марду майдон пахтакор деган—муътабар номга яраша қайноқ ҳаёт бағрида, жўшқин меҳнат қучоғида жавлон урайлик. Ғайрат-шижоат камарини белга маҳкам боғлаб водийларда жасорат кўрсатайлик. Улуғ беш йилликнинг биринчи йили улкан зафар йили бўлсин, шон-шухрат йили бўлсин!

КАРВОНБОШИ БЎЛ

Тонг билан тингладим элдан хушхабар,
Тошкентлик пахтакор қўнган доғруғинг.
Зафар манзилга бошлабсан сафар,
Қўлингизда ҳиллираб муборак тугинг.

Оқ олтин ишқида ёнган баҳодир,
Қалбингиз қўридан нишон бу байроқ,
Сен қутлуғ қадамсан, ҳар ишга қодир,
Ҳам олижанобсан, пахтакор ўртоқ.

Сени водийларда кўрдим музаффар,
Улуғ беш йилликнинг карвон йўлида.
Тоғ мисол юксалиб осмонни ўпар
Юртимнинг бойлиги хирмон йўлида.

Мадҳингиз қўйладим янроқ тор билан
Тошкентлик пахтакор, юрагим жўшиб.
Дилимда тугалмас ифтихор билан
Ҳар қўшиқ бандига меҳримни қўшиб.

Қадрдон далалар ёзган олтин сеп,
Баркамол ризқ-рузди олтин куз бугун.
Узига минг чандон оро бериб зед,
Пахтазор хандону, лўппи юз бугун.

Шунча таровотли, шунча фусункор,
Қалбинг ҳароратин тотган далалар.
Қўнганга оромбахш, тинч, беғубор—
Кумуш зар ёйиб тоғ отган далалар.

Шу асл фаслнинг ҳар бир соати,
Эртанги зафарли тонгадир гаров.
Теримда биллар эр шижоати,
Шер бўлиб водийда ким сурса бедов.

Шунча ғўзаллигу, шунча бойлигини,
Яратган ўзингсан, азамат деҳқон.
Марду-майдоилгини, ҳотамтойлигини,
Касб этган ўзингсан, азамат деҳқон.

Ҳар ниҳол бағрига сел бўлиб оққан,
Пешона теринг бор, юрак қўринг бор.
Минг-минг чаноқлардан нурланиб боққан,
Ҳар мисол толада кўзи нуриг бор.

Сен учун шу фасл синов, имтиҳон,
Пўлат отларингиз дадил қамчи бос.
Қурашда бардам бўл, бир тану бир жон,
Тошкентлик шухратинг, доғруғингиз хос.

Тоғ бўлиб юксалсин пахта хирмонинг,
Карвонга ҳамisha карвонбоши бўл.
Дилимда қолмасин зарра армонинг,
Зафар манзилга тилаймиз оқ йўл.

Усмон ЖОНГИТОВ.



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТЕРИШ ВА
ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ БЎЙИЧА
ШУ ЙИЛ 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(Процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қишда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир қишда терилган пахта, бешинчи стун—мавсум бошидан бери.				
Ўрта Чирчиқ	4,72	34,67	4,98	32,93
Бекобод	3,00	31,66	3,01	27,67
Юқори Чирчиқ	4,83	29,30	8,07	41,95
Пискент	4,39	28,10	4,53	20,48
Бўка	3,16	22,56	3,45	19,34
Янгийўл	2,71	21,05	1,67	6,08
Оққўрғон	3,47	19,27	4,21	16,86
Область бўйича	3,66	25,74	3,97	21,57

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар! КПСС XXIV съезди мамлакат ҳалқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш, социалистик ишлаб чиқаришни янада юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишнинг кенг программасини белгилаб берди. Партия қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида ҳам катта ва масъулиятли вазифалар қўйди. Съезд Директиваларида қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган.

Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати Ўзбекистон, шу жумладан, Тошкент области мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, деб қайта-қайта таъкидлади. Област қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари шу йилнинг ўзидеёқ давлатга 400 минг тонна пахта сотишлари керак. Партия шу билан бир қаторда муровачиликни планли равишда ривожлантириш, гўшт, сут, туҳум етиштиришни кўпайтириш вазифасини ҳам қўйди.

Областимиз учун 1971-75 йилларга юксак марралар белгиланган: чорва моллари ва парранда сони ортади, маҳсулдорлиги ошиб, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча қўлайди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан қўриб чиқилиб маъқулланган област чорвадорлари тадбирларида 1975 йилга бориб област колхоз ва совхозларда гўшт етиштириш 1970 йилга нисбатан 1,8 баравар, сут соғиб олишни 1,6 баравар ва туҳумини 2,2 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Ана шу давр ичиди қорамоллар туғин 19 процент, шу жумладан сиғирлар 42 процент, қўй — 37 процент, чўча — 79 процент ва паррандалар 1,7 баравар кўпайиши керак.

Бу мураккаб, лекин бажарилиши анқ бўлган вазифадир. Бу вазифани бажариш учун, аввало, озуқа таъминоти мустаҳкамлашнинг, колхоз ва совхозларда ем-хашак етиштиришни кўпайтиришнинг лозим.

Биз, област партия хўжалик активи йиғилиши қатнашчилари, чорвачиликда аҳолини атрофлича таҳлил қилиб чиқиб ба барча колхозчилар, совхоз ишчилари, хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбарларига, областдаги барча чорвадорларга мурожаат қилиб, уларни жамоат чорвачилигини янада юксалтириш учун астойдил ва қатъиятлик билан ишни кўчатириб юборишга чақирамиз.

Биз сизларга мурожаат қиламиз, чорвадорлар, ем-хашак етиштирувчи бригада ҳамда эвенюларнинг ходимлари! Сизларнинг асосий вазифан

гиз мустаҳкам ем-хашак базаси яратишдан иборатдир. Пахта-беда алмашлаб экиннинг жорий этиш асосида ем-хашак етиштиришни кўпайтириш учун астойдил кураш олиб бораёйлик. Биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг: «Чорвачиликни юксалтириш учун энг муҳим нарсаси бу биз учун озуқадир, озуқа, яна тақдор айтмагани, озуқадир» деб айтган сўзларини ҳамisha едла сақлайлик.

Аралаштириб экинни ҳамда тақдирини, кўк озуқа учун сули, арпа, шабдар, нўхот каби оралиқ кузги экинларини экинни, бедани судан ўти тариқ билан қўшиб экинни кенг жорий этиш ем-хашак етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир.

Бу йил қўйишга хўжаликлар ем-хашак экинларини аралаштириб экидлар ва анча яхши натижаларга эришдилар. Юқори Чирчиқ райониди «Полиотдёл», Свердлов номи, «Ленинсий йўл» колхозлари, Янгийўл райониди «Ленинизм», «Коммунизм» колхозлари, Оққўрғон райониди «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз, Димитров номи колхоз, Ўрта Чирчиқ райониди «Поларная звезда» ва бошқа бир қатор хўжаликлар аралаштириб экидган майдонлардаги маккажўхориининг ҳар гектаридан 400-600 центнердан кўкка олдилар. Улар кам деганда гектаридан 400-500 центнердан илдизли озуқа олсини муқаддасламоқдалар.

Биз барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини илгор хўжаликлардан ўрнак олиб, ем-хашак экинларидан юқори ҳосил олишга чақирамиз. Ем-хашак етиштирувчи бригада ва эвенюларнинг аъзолари ем-хашак тайёрлаш ва уни сақлашнинг янги усулларини дадиллик билан жорий этишлари, бунинг учун фан, техника ютуқлари ва илгорлар тажрибасидан фойдаланишлари керак.

Беда, маккажўхори, илдизли озуқа, ем-хашак экинлари ва бир йиллик ўтлардан юқори ҳосил олиш учун кураш зарур. Барча бригада ва эвенюларда сўғориладиган ерлардан олинмадиган беда хашаги ҳосилдорлигини 150 центнерга, силосбоп маккажўхориларнинг гектаридан олинмадиган ҳосилдорлигини 500—600 центнергача етказиш лозим.

Чорвачилик фермаларининг ходимлари, сизларга мурожаат қиламиз. Гўшт, сут, туҳум ва жун етиштиришни кўпайтириш, чорва туғини ўстириш, чорва молларини

урчишиб қўнайириш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришиш учун кўмаклашишгиз.

Областимизнинг энг илгор чорвадорлари, жумладан, сут соғувчи А. И. Чудная, чўпон А. И. Шуйбеков, чўқабоқар В. Т. Корчагина, товуқбоқар Р. Ҳисомиддинова сингари ўртоқларнинг тажрибаси шунинг кўрсатадигани, чорвачиликда илгор прогрессни усуллар: ем-хашакни тайёрлашнинг тўғри ташкил этиш, чорва моллари ва паррандаларини тўғри рағиондаги озуқалар билан боқиб, уларни парваришлашнинг яхшилашнинг жорий этиш ҳисобига маҳсулот еддиниқасига сарф бўладиган ем-хашакни бирмунча қайайириш ва бу билан чорва моллари ва парранда маҳсулдорлигини анча оширишга эришиш мумкин.

Биз барча чорвадорларини бу илгор усулларини ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг муттасил кўпайирига боришга чақирамиз.

Шу йилнинг ўзидеёқ барча хўжаликларда молларни қўшимча семиритиб, келгуси йил ҳисобига бўрдоқига боқини ташкил этиш зарур. Шундай қилинса, беш йилликнинг иккинчи йилида қорамолларин 350-400 килограмм, чўчқаларини 110—120 килограмм, қўйларини 50 килограмм оғирликда топириш таъминлаш мумкин. Янги йил ичиди барчаколхоз ва совхозларда соғин сиғирларини ҳар биридан ўртача кам деганда 2500 килограммдан сут соғиб олишга эришишимиз лозим.

Зоотехниклар, ветеринария мутахассислари, чорва фермаларининг раҳбарлари, сизларга мурожаат қиламиз. Сизлардан чорвачилик учун доимий эътибор бериш, молларнинг наслини яхшилаш учун қўн билан иш олиб бориш, сунъий урчиштириш жорий этиш, маҳсулдорлигини кўпайириш ва ёш молларини яхши парваришлаб, уларни тула сақлаб қолтиш тадбирларини пилчил билан амалга ошириш талаб этилади. Профилактик ва даволаш тадбирларини ўз вақтида амалга оширингиз, сут соғувчилар, молбоқарлар, чўпонлар ва бошқа чорва ходимларини танлаш, тайёрлаш ишларини пухта амалга оширингиз.

Қадрли ўртоқлар! Чорвачиликда масъулиятли дамлар — қишлоқ яхшилашмоқда. Биз чорва қишлоқини ҳарта-рафлама пухта тайёрлагани билан, уюшқонлик билан бошлашимиз зарур. Бунинг учун эса чорва биололари ўз вақтида, юқори сифатли қилиб ремонтдан чиқарилиши,

етарли ем-хашак келтириб қўйиш, ориқ моллар чорва қишлоқиди жойларга ахтиёжни тула қоплайдиган бўрдоқига қўйиш, ёш моллар ва ургочи моллар парвариши ҳар томонлама яхшилашнинг зарур.

Биз хўжалик раҳбарларига мурожаат қилиб, уларни чорва фермалари хирмонлари ҳақида ҳартомонлама ҳам-хўрлик қилиб, уларни несиқ қилиш, пойафзал, озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминлашга, яхши маданий-маиший шароит яратиб беришга чақирамиз.

Ишчилар ва механизаторлар, механиклар ва қурувчилар, монтаж ва қуриш ташкилотларининг раҳбарлари, сизларга мурожаат қиламиз. Сизлар чорвачиликнинг ҳал қилувчи ва масъулиятли, муҳим участкасида меҳнат қилиб фермалардаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёинларини комплекс механизациялаш учун курашмоқдасизлар, ем-хашак цехлари ва ийрик чорвачилик комплексларини қуришмоқдасизлар. Бу ишларни тез ва сифатли бажариш, чорвачиликдаги меҳнат унумдорлигини ошириб, қишлоқ хўжалигининг бу муҳим ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлган тармоғини саноат ишлаб чиқариши асосида ўтказишнинг теълаштиришга имконият яратиб беради.

Хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, касаба союзи комитетларининг раислари, сизларга мурожаат қиламиз. Чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга эътибор беришгиз, уларни беш йилликнинг биринчи йили учун олинган социалистик мажбуриятини муддатдан илгари бажаришга сафарбар этишгиз. Чорва ходимларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳақида алоҳида ҳамхўрлик қилингиз. Чорвадорлар учун савдо ва медицина хизматини ташкил этиш, уларнинг ахтиёжлари ва талабларини тула қоплатиш сизларнинг жонажон ишларингиз бўлиб қолиши керак.

Қадрли ўртоқлар!

Биз пойтахт области барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини куча-куч, ғайратга ғайрат қўшиб ишлагача чақирамиз. Барча кучимизни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган юксак социалистик мажбуриятини бажаришга, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини ҳаётга муваффақиятли таъбиқ этишга сафарбар этайлик.

БУ МУРОЖААТ ОБЛАСТ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.

